



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 йил – инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 27 октябрь, № 232 (8294)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИ БЎЛГАН УЧРАШУВ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 октябрь куни Тошкент шаҳридаги бир қатор тиббиёт муассасалари фаолияти билан танишди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Учтепа туманидаги 22-оилавий поликлиникани бориб кўрди.

Уч қаватли ушбу замонавий муассаса 19 та маҳалладаги 56 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Бунинг учун болалар ҳамда физиотерапия бўлими, кундузги стационар, мутахассислик хоналари ва лабораторияларда зарур шароит яратилган. Шу йил 18 мартдаги очик мулоқотда берилган топшириққа кўра бу поликлиникага ҳам замонавий физиотерапия ускуналари келтириб ўрнатилган.

Шунингдек, бепул тарқатиладиган дорилар хонаси, шифокор қабулидан олдинги кўрик хонаси ташкил этилган. 65 нафар шифокор ва кўплаб ҳамширалар беморлар дардига дармон бўлаётди.

Давлатимиз раҳбари поликлиникадаги шароитларни кўздан кечирди, тиббиёт ходимлари билан сўхбатлади.

— Тиббиёт — ёшу қари, ҳаммага дахлдор энг катта давлат хизмати. Шунинг учун бу соҳага доимий эътибор қаратиб келяпмиз. Бирламчи бўгинни

“паства тушириш”га ҳаракат қиялпмиз. Албатта, ўзгариш бор: янги шифохоналар очилляпти, поликлиникалар жиҳозланяпти. Лекин ҳали етиб борилмаган хонадонлар ҳам бор. Малакали тиббий хизматларнинг ҳар бир оилага кириб боришини таъминлаш, бунда эҳтиёжманд инсонларга алоҳида ёндашиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мулоқотда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, касалликларнинг олдини олиш масалалари ҳақида сўз борди.

— Кўп ҳолларда касалликни инсоннинг ўзи келтириб чиқаради: кам ҳаракат бўлади, тўғри овқатланмайди, соғлигига қарамайди. Буни бирламчи бўгин кенг тушунириши керак. Аҳолини дори билан эмас, профилактика билан соғломлаштириш зарур. Одамларнинг ўз соғлигига эътиборини кучайтириш, скрининг текширувларини мунтазам ўтказиб бориш керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда сайёр текширувларда фойдаланиладиган махсус транспортлар ҳам кўздан кечирилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий марказида барпо этилган янги хирургия мажмуаси фаолияти билан танишди.

Республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий маркази кўп тармоқли бўлиб, у шошилиқ тиббий ёрдамнинг барча йўналишлари бўйича, шу жумладан, катталар ва болалар учун жаррохлик, терапевтик, педиатрик, куйиш-токсикологик ҳамда фавқулодда ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатади. Россия, Туркия, Австралия, Германия, Финляндия, Жанубий Корея, Япония каби давлатлар билан илмий ҳамкорлик олиб боришмоқда.

Янги хирургия мажмуасида кардиожаррохлик, трансплантология, нейро-қон томир жаррохлиги ва реанимация бўлимлари фаолият юритади. Уларда йилга 3 минг нафаргача беморларга юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатилади.

Шу ерда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оши-

рилаётган ишлар ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, жорий йил 18 март куни давлатимиз раҳбари тиббиёт ходимлари билан очик мулоқот ўтказган эди. Бугунги йиғилиш ўша мулоқотнинг мантиқий давоми бўлди.

Президентимиз сўзининг аввалида соҳада қилинган ишлар ва уларнинг моҳиятига тўхталиб ўтди. Жумладан, жорий йилда янги 106 та оилавий шифокор пункти ва поликлиника, мингта маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилган. Бу орқали 3,5 миллион нафар аҳолига бирламчи тиббий хизмат яқинлаштирилган.

Илғор хорижий тажрибалар асосида аҳолининг қафолатланган бепул тиббий хизматга бўлган эҳтиёж баланси ишлаб чиқилди. “Тиббиёт бригадалари”га қўшимча 3 минг 600 та педиатрия ҳамшираси ва доя штатлари ажратилди.

Оилавий шифокорлар томонидан бепул тарқатиладиган дорилар 45 турдан 70 турга етказилди. Бунга ажратилаётган маблағлар ҳажми эса ўтган йилдагига нисбатан 3 баравар оширилди.

Шунингдек, 820 та бирламчи тиббиёт муассасасига ташхис ускуналари етказиб берилди.

Оилавий поликлиникаларда 19 мингдан зиёд кундузги шифо ўринлари ташкил этилди. Бунинг натижасида 740 минг аҳолига шифохонага бормасдан, маҳалланинг ўзида даволаниш имконияти яратилди.

10 миллиондан зиёд 40 ёшдан ошган аҳолининг 70 фоизи кардиологик ва қандли диабет касаллигини эрта босқичда аниқлаш бўйича скрининг текширувидан ўтказилди.

Юқори технологик операцияга муҳтож 16 минг бемордан 3 минг 200 нафари вилоят ва туманларнинг ўзида даволанди.

Мамаклатимизда илк бор ордер тизими орқали 29 та хусусий шифохона билан шартнома имзоланди.

Тиббиёт ходимлари ойлук маоши 30 фоизгача оширилди. Шунингдек, шифокорларга иш самарадорлиги ва натижасига қараб табақалаштирилган рағбатлантириш ва устама тўловлари жорий этилди.

Умуман, жорий йилда тиббиётга 28 триллион сўм ажратилляпти. Бу ўтган йилдагига нисбатан 1,3 баравар кўпдир.

Йиғилишда ҳудудлардаги долзарб масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, 272 та маҳаллада тиббиёт пункти йўқлиги кўрсатиб ўтилди.

“Қишлоқ шифокори” дастури доирасида олис ҳудудлар рўйхати 297 тага етказилди.

Бу дастур асосида 191 нафар шифокор иш бошлади. Масалан, Мўйноққа Фаргона, Самарқанд ва Хоразмдан шифокорлар ишга борган. Лекин узоқ қишлоқларда яна 171 та бўш ўринни тўлдирish зарур.

Хавф гуруҳига кирувчи 40 ёшдан ошган аҳолини скринингдан ўтказиш айрим ҳудудларда суст бажарилган.

Бирламчи бўғиндаги долзарб муаммолардан яна бири бу — оналик ва болаликни муҳофиза қилиш масаласи. Юртимизда 2010 йилгача йиллик тугилиш 600 минг атрофида бўлган. Ўтган йили бу

кўрсаткич 950 мингдан ошган. Шу боис туғуруқ ўринлари сонини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Шу йил 16 июнда “Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Президент қарори қабул қилинган эди. Бу орқали тез тиббий ёрдамда чақурувга етиб бориш вақти 3 баробарга, ҳаракатлар 25 фоизга қисқариши режа қилинган. Андижон, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарёда бу янги тизим ишга туширилмоқда.

Лекин қолган вилоятларда қурилиш ишлари бошланмаган.

Республика эндокринология, кардиология ва хирургия марказларининг ҳудудлардаги иши қоникарили эмаслиги қайд этилди. Шу боис 23 та ихтисослаштирилган марказ, вилоят ва вазирилик ўртасида уч томонлама шартнома тузиш таклифи илгартирилди. Бунда марказлар ҳудудларда касалликларни эрта аниқлаш, юқори технологик даволash ва уларни қамайтириш бўйича, вилоят ҳокимлари шифохоналарини юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш бўйича, вазирилик эса ҳудудларда янги натижа қилган шифокор ва марказ раҳбарларини рағбатлантириш бўйича мажбурият олади.

Тиббиёт муассасаларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш борасидаги сусткашликлар ҳам қайд этилди.

Йиғилишда шу каби камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳокимлар ва соҳа мутасаддиларининг аҳбороти эшитилди.

Ихтисослаштирилган марказлар раҳбарлари ва шифокорлар касалликларнинг олдини олиш, даволash сифатини ошириш бўйича таклифлар билдирди.

Булардан келиб чиқиб, Президентимиз мутасаддиларга қатор топшириқлар берди.

Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирилгига тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини яхшилаш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқиш топширилди.

Бу йил 300 та маҳаллада тиббиёт пунктлари, келгуси йил 140 та оилавий шифокор пункти ва поликлиникалар ташкил этиб, уларни жиҳозлаш вазифаси қўйилди.

Туғуруқ ўринларини босқичма-босқич кўпайтириш, мавжудларининг шароитини яхшилаш, туғма нуқсонларнинг олдини олиш, оналарни фойдали дори воситалари билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ихтисослаштирилган марказларда янги юқори технологик даволash усуллари жорий этилиши, 640 та тез ёрдам машинаси харид қилиниши айтилди.

Вазирлар Маҳкамасига ҳамшираларни ўқитиш ва малакасини ошириш, меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш масалаларини қамраб олган қарор лойиҳасини тайёрлаш бўйича топшириқ берилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Икром АВВАЛБЕКОВ, ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЕИ» САММИТИДА НУТҚ СЎЗЛАЙДИ ВА ТОШКЕНТДА ЕВРОПА КЕНГАШИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарларининг “Марказий Осий – Европа Иттифоқи” форматидagi биринчи мажлисида иштирок этиш учун 27 октябрь куни амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлади.

Тадбирда Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель ва минтақамиз мамлакатларининг етакчилари иштирок этиши кўзда тутилган.

Саммит кун тартибига мувофиқ, сиёсий мулоқотни ривожлантириш, ҳудудлараро ҳамкорликни кенгайтириш, савдо-иқтисодий шериклик ва маданий-гуманитар алмашинувларни фаоллаштириш истижоболлари муҳокама қилинади.

Шу кун кечаси Европа кенгаши

Президенти Шарль Мишель Ўзбекистон Республикасидаги келиши кўтилмоқда.

28 октябрь куни Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида олий даражадаги музокара-лар бўлиб ўтади. Мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан икки ва кўп томонлама ҳамкорлигига оид масалаларнинг кенг доираси кўриб чиқилади.

Олий мартабали мижмос юртимизга ташрифи чоғида Самарқанд шаҳрига боради.

Ў.з.А.

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Жорий йил 27 октябрь куни Остонада Марказий Осий мамлакатлари ва Европа Иттифоқи етакчилари саммити бўлиб ўтади. 27-28 октябрь кунлари эса Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан, Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель Ўзбекистонга ташриф буюради.

Европа кенгаши Европа Иттифоқи (ЕИ) аъзо давлатларининг давлат ва ҳукумат раҳбарларидан иборат Европа Иттифоқининг олий сиёсий органи ҳисобланади.

Европа ҳамжамиятлари билан ўзаро алоқалар 1992 йил 15 апрель куни Ўзбекистон ҳукумати ва Европа Иттифоқи комиссияси ўртасида Англасув меморандуми имзоланиши билан бошланган эди. 1994 йил 16 ноябрь куни томонлар ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган.

Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртаси-

даги ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашгани ҳолда, кўп қиррали хусусиятнинг касб этди. Барча даража-ларда яқин ўзаро алоқалар қўллаб-қувватланмоқда.

Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бўйича музокараларнинг муваффақиятли якун-лангани Ўзбекистон — Европа муносабатларидаги улкан муваффақият бўлди. Брюсселда 6 июль куни даст-лабки даражада тасдиқланган ушбу кенг қамровли ҳужжат икки томонла-ма муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиши кўтилмоқда.

➡2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ АҲОЛИНИ СИФАТЛИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЙ БУЮМЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳоли ва тиббиёт ташкилотларининг сифатли дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар билан таъминланганлик даражасини ошириш, соҳада таъсирчан жамоатчилик на-зоратини олиб бориш учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, 2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вақил-лари билан “Тиббиётдаги ислохот-лар — инсон қадри учун” мавзуси-даги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб:

а) 1-иловага мувофиқ рўйхатда

белгиланган дори воситаларидан таш-қари барча янги дори воситалари:

к) клиник тадқиқотларнинг ижобий натижаси асосида дав-лат рўйхатидан ўтказилади. Бунда алоҳида дори воситаларини клиник тадқиқотларсиз давлат рўйхатидан ўтказиш Соғлиқни сақлаш вазири-ли томонидан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади;

ж) жойига чиққан ҳолда ишлаб чиқариш шароитларининг “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти — GMP” талабларига мувофиқли-ги ўрганилигидан сўнг Ўзбе-кистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилади;

з) куйидагилар бекор қили-нади:

рецептсиз бериладиган дори воситаларининг рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирилги то-монидан тасдиқланади. Бунда дори во-ситаларининг рецепт бўйича ва ре-цептсиз берилиши уларнинг тиб-биётда қўлланилишига доир йўриқ-номаларда белгиланган тартибда амалга оширилади;

д) дори моддаларини (субстан-цияларни) давлат рўйхатидан ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган дори воситаларининг рўйхатдан ўтказиш натижаларини тан олишда стандарт намуналарини талаб этиш;

(Давоми 2-бетда).

➡➡

Финляндия — Ўзбекистон: ТАЪЛИМДАГИ АНИҚ ПОЗИЦИЯ ВА ЭЗГУ МАҚСАДЛАР

Дунёда малакали кадрлар базасини яратмай, меҳнат бозорига юқори таълимга эга ишчи кучи учун янги шарт-шароит ҳозирламай туриб иқтисодий тараққиётга эришган бирор-бир мамлакат борми? Йўқ, албатта! Таълим, инсон ресурслари — жамият келажаги. Мамлакатнинг иқтисодийети ҳам бевосита таълим, илм билан боғлиқ. Олий таълим бугун иқтисодийетимиз бўлса, эртага жамиятимиз бўлади. Шу боис таълим сиёсати ҳар доим иқтисодий сиёсат билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, ҳозирги асрда инновацион халқ бўлишга интилиш зарур. Ва айни пайтда ҳар бир мамлакатнинг замонавий ҳамда кучли таълим тизимига эҳтиёжи бор. Таълим тизимининг вазифаси нафа-қат мамлакат тараққиётини белгилаш, балки ишончга асосланган жамият барпо қилиш қафолати ҳамдир.

➡4

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти яхшилаш, туғма нуқсонларнинг олдини олиш, оналарни фойдали дори воситалари билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди»

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 20 сентябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 7 октябрда маъқулланган

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг, айниқса ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, ижтимоий адолат тамойилларидан келиб чиқиб моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, турмуш даражасини оширишга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга «Инсон қадри учун» тамойили асосида ногиронлиги бўлган шахсларнинг фаровонлигини янада ошириш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг самарадорлигини қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу Қонун фуқароларнинг пенсия таъминоти соҳасидаги қонунчиликни амалиётда қўллашда юзага келётган турли хил ёндашувларнинг олдини олишга ва коррупцияни юзага келтирувчи ҳолатларга барҳам беришга, ижтимоий адолат тамойилидан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг даромадларини оширишга, уларнинг меҳнатини муносиб баҳолашга, шунингдек пенсия миқдорини кўпайтиришга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

➡➡

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Қонунига пенсия тайинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги 938-XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 9, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда, № 11, 792-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 5, 464-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

- 1) 12-модданинг «л» банди қуйидаги тахрирда баён этилсин: «л) ихтисослашган тиббий муассасаларнинг шифокорлари ва ўрта тиббий ходимлари – махсус иш стажига эга шахарчалар, қишлоқлар ҳамда овулларда камиди 25 йил ва шаҳарларда камиди 30 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VIII қисм);»;
2) 19-модданинг еттинчи қисми қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин: «Ўғай ота ва ўғай онанинг вафот этган ўғай ўғилни (қизни) тарбиялаганиги ёки боққанлигини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;
3) 27-модда биринчи қисмининг «г» банди «боқувчининг» деган сўздан кейин «пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
4) 28-модданинг «к» банди қуйидаги тахрирда баён этилсин: «к) Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга – пенсияни ҳисоблаб базавий миқдорининг 100 фоиздан 150 фоизгача. Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларнинг пенсиясига устама тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;
5) 30-модданинг: иккинчи қисмидаги «ҳисоблангани мумкин» деган сўзлар «ҳисобланади» деган сўз билан алмаштирилсин; учинчи қисмидаги «ҳисоблангани мумкин» деган сўзлар «ҳисобланади» деган сўз билан алмаштирилсин;
6) 37-модда: қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилсин: «I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинланганидан кейинги ишланган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланади»; бешинчи ва олтинчи қисмлари тегишинча олтинчи ва еттинчи қисмлар деб ҳисоблансин;
7) 41-модданинг ўзбекча матнидаги «анча имтиёзли» деган сўзлар «нисбатан имтиёзлироқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
8) 49-модда: қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин: «I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинланганидан кейин камиди 1 йил иш стажига эга бўлса, фуқаронинг аризаси асосида иш стажига ва иш ҳақи инobatта олинган ҳолда пенсия хар икки йилда бир мартаба қайта ҳисоблаб чиқилади. Бунда пенсияни қайта ҳисоблаш фуқаро пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш учун мурожаат қилган санадаги ушбу Қонуннинг 17-моддасида кўрсатилган ёшга нисбатан талаб қилинган иш стажидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин.
2-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.
3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.
4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлга киритади. Ушбу Қонун 1-моддасининг 6 ва 8-бандлари 2023 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 26 октябрь № ЎРҚ—795

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

АҲОЛИНИ СИФАТЛИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББII БУЮМЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

в) Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси орқали молиялаштириладиган республика даражасидаги давлат стационар тиббиёт муассасаларида (кейинги ўринларда — шифохоналар) беморларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш шифохона орқали амалга оширилади. Бунда алоҳида ҳолатларда шифохонада беморлар томонидан олиб келинган дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлатишга рўхсат бериш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

2. Белгилаб қўйилсинки: а) беморларни шифохонада дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш;

дастлаб республика даражасидаги шифохоналарда 2023 йил давомида тажриба-синов тарқасида амалга оширилади; уларга харажатлар сметаси бўйича ажратилиши кўзда тутилган маблаглар ҳисобидан кафолатланган тиббий хизматлар ва дори воситалари пакети доирасида харид қилинадиган дори воситалари ва тиббий буюмлар бепул, қолган ҳолларда пуллик асосда шифохонага қирим қилинган нархларда амалга оширилади. Бунда шифохона томонидан харид қилинадиган дори воситаларининг нархи белгиланган улгуржи референт нархларидан юқори бўлмағлини лозим;

б) 2023 йил 1 июлдан бошлаб референт нархлари қайд этилмаган ёки қайд этилган нархдан юқори бўлган дори воситаларини сертификатлаштириш таъминланади.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2022 йил якунига қадар: а) 2025 йил 1 январгача бўлган мuddатда давлат рўйхати билан ўтказибдан мажбурий сертификатлаштириш шартли дорилар тиббиёт амалиётида қўллаш ва киритишга рўхсат бериладиган. Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган аналоглари мавжуд бўлмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини тасдиқласин. Бунда мазкур дори воситалари ва тиббий буюмлар уларнинг Ўзбекистон Республикасида аналоглари давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб уч ой мuddатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатдан чиқарилиши лозим;

б) беморларни даволаш учун талаб этиладиган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тўлиқ шифохона томонидан харид қилинишини инobatта олиб: шифохоналарда дори воситалари ва тиббий буюмлар хариди бўйича мутахассис лавозими жорий этилишини; шифохоналар томонидан бирламчи зарур бўладиган захиранинг Давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари маблаглар ҳисобидан шакллантирилишини таъминласин; в) Давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари маблаглар ҳисобидан харид қилинган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг кунлик қолдиги ҳамда нархлари маблаглар кесимида шифохоналарнинг расмий веб-сайтларида joyлаштирилишини ҳамда мунтазам янгилаб борилишини таъминласин. 4. Шифохоналар томонидан дори воситалари ва тиббий буюмларнинг хариди учун тўловлар Бюджет тизими бюджетли харажатлари таснифидан I гуруҳ харажатлари учун белгиланган мuddатларда ҳам амалга оширилишига рўхсат берилсин.

Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари мувофиқ шифохоналарни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан узлуксиз таъминлаш учун талаб этиладиган зарур маблаглар ҳар йили Давлат бюджетига параметрларида кўзда тутилишини таъминласин.

5. Белгилансинки, дори воситаларининг чакана савдосида жамoатчилик назоратини жорий этиш мақсатида 2023 йил 1 майдан бошлаб:

жисмоний шахслар томонидан сотиб олинган дори воситалари учун дорихоналар томонидан тақдим этиладиган харид чекиннинг фискал белгиси матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали солиқ органларининг махсус мобил ўливосида рўйхатдан ўтказилганда дори воситалари нархлари Фармацевтика тармогини ривожлантириш агентлигининг ахборот тизимидаги дори воситаларининг чакана референт нархлари билан автоматик тарзда солиштирилади; матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш натижасида дори воситаларининг чакана нархлари белгиланган устамалар ошириб қўйилганини аниқланган тақдирда, тегишли чора қўриш учун бу ҳақида истеъмолчилар ҳуқуқларини

ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органига автоматик равишда хабар юборилади;

харид чеки бўйича нарх дори воситасининг чакана референт нархидан ортқ деб топилганда, ушбу маълумот асосида ўтказилган текшириш якунига кўра ҳуқуқбузардан белгиланган тартибда жазима ундирилади.

Бунда харид чекида сотиб олинган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тўлиқ миқдорда кўрсатилмаслиги савдо ёки хизмат кўрсатиш қондалари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш сифатида эътироф этилади.

6. Фармацевтика тармогини ривожлантириш агентлиги 2023 йил 1 мартга қадар агентликнинг бюджетдан ташқари маблаглари ҳисобидан дори воситаларининг ишлаб чиқарилишидан бошлаб уларнинг истеъмолчи натижасига ҳам бўлган жараёнларни назарда тутувчи Фармацевтика маъмулотлари ҳисоби ва назорати ахборот тизимини жорий этсин.

Манфаатдор вазирлик ва идоралар 2-иловага мувофиқ тасдиқланган маълумотларнинг Фармацевтика маъмулотлари ҳисоби ва назорати ахборот тизимига интеграция қилинишини таъминласин.

7. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамoат саломатлиги хизмати Фармацевтика тармогини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда:

2022 йил якунига қадар биологик фаол қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказишда уларнинг ҳавфсизлиги ва таркибини назоратдан ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин;

2023 йил 1 июнга қадар Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган дори воситаларининг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқнома ҳамда биологик фаол қўшимчаларнинг электрон каталогини ишлаб чиқсин ва ўзларининг расмий сайтларида joyлаштирсин.

8. Ҳисоб палатаси Бош прокуратура билан биргаликда мазкур қарорда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ ва сифатли ижро этилиши юзасидан доимий назорат ўрнатилиши ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот қилиб бериши.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

бир ой мuddатда биологик фаол қўшимчалар, озиқ-овқат қўшимчалари, биологик воситалар ва материалларни четдан келтириш ҳамда ишлаб чиқаришга Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали рўхсатнома бериш тартибини назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

икки ой мuddатда «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги ва «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан репетсиэс бериладиган дори воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳамда дориларини (субстанцияларни) давлат рўйхатидан ўтказишни назарда тутувчи нормани бекор қилиш юзасидан ўзгартиришлар киритишга доир қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

уч ой мuddатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 3-иловага мувофиқ тасдиқласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазирли Б.А.Мусаев белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирли А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Туйчиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 26 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН – ЕВРОПА ИТТИҒОҚИ АЛОҚАЛАРИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА»

2022 йил 27 октябрь кунин Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарларининг «Марказий Осиё – Европа Иттиғоқи» форматидagi биринчи мажлисида иштирок этади. Шу кун кечаси Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель Ўзбекистон Республикасига келиши кутилмоқда.



Ушбу муҳим воқеалар арафасида Европа Иттиғоқининг Ўзбекистондаги Делегацияси раҳбари, Элчи Шарлотт Адриан янги Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

— Ававало шунини таъкидлашнинг истардимки, сўнгги йилларда Ўзбекистон — Европа Иттиғоқи алоқалари жадал ривожланмоқда.

Хусусан, Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бўйича музокаралар якунланди.

Утган йили Европа Иттиғоқи Ўзбекистонга «GSP+» бенефициар макomini берди. Бу эса Европага 6 мингта яқин махсулотларни имтиёзли асосда экспорт қилиш имконини беради. Мазкур воқеа, ҳақиқатан ҳам, муҳим аҳамияти касб этиб, у Европа ҳамжамиятининг мамлакатингизга бўлган ишончини яққол намoён қилди.

2021 — 2027 йилларга мўлжалланган Кўп йиллик индикатив дастур амалга оширилмоқда. Эътиборлики, агар илгари Европа Иттиғоқи ва Ўзбекистон фақат чекланган соҳаларда ҳамкорлик қилган бўлса, энди ўзаро алоқалар кўлами сезиларли даражада кенгайди: самарали давлат бошқаруви ва рақамли трансформация, инклюзив ва рақамли «яшил ўсиш», шунингдек, «ақли» ва экологик тоза қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ривожлантириш шулар жумласидандир.

Биз Ўзбекистонда трансформация дастурини қўллаб-қувватлаймиз. Бошқа соҳаларни ҳам, шу жумладан, «Egasmus»

Анвар МИРЗАЕВ тайёрлади.

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УҒҚЛАРИ

Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда республикани ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегиясининг тегишли йўналишларининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида, кўп жиҳатдан, Европа Иттиғоқи билан шерикра мулоқотни ривожлантиришга қўмақлашмоқда.

Утган йил апрель ойида Ўзбекистонга «GSP+» тизими бенефициари макomini берилиши ўзаро ҳамкорлиқни кенгайтириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Бу воқеа Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва барқарор ривожланиш соҳасида олган мажбуриятларини бажаришда эришган муваффақиятлари Европа Иттиғоқи томонидан эътироф этилганининг тасдиғи бўлди. Ушбу макomini олингани туфайли Европа Иттиғоқи давлатларига Ўзбекистон экспортининг ҳажмлари сезиларли даражада кўпаймоқда.

Европа Иттиғоқининг 27 мамлакатидан савдода энг қулай шaroит яратиш режими ўрнатилганининг ҳам таъкидлаш муҳимдир. Икки томонлама савдо-иктисодий ҳамкорлик изчиллик билан ўсиб бормоқда. Хусусан, ландемияга қарамаздан ўтган йили товар айланмаси 20 фоизга ошгани ҳолда, 4 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Жорий йил январь — сентябрь ойларида товар айланмаси 3 миллиард доллардан ошди, ўсиш ҳажми 14,8 фоизни ташкил қилди. Томонларнинг улкан салоҳиятини инobatга олган ҳолда яқин йилларда бу кўрсаткичнинг 10 миллиард долларга етказиш режалаштирилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Европа Иттиғоқи мамлакатларининг сармоялари иштирокида 1 минг 52 та корхона, шу жумладан, 100 фоиз Европа капиталли асосидаги 304 та компания фаолият қўрсатмоқда.

Европа Иттиғоқининг 2014 — 2020 йилларга мўлжалланган беғараз ёрдам бўйича кўп йиллик индикатив дастури доирасида Ўзбекистонга қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришга йўналтирилган миллий лойиҳаларни амалга ошириш учун 168 миллион евро ажратилди. Мазкур бюджет доирасида 2,5 миллион евро миқдоридagi «Пахтачилик жаҳасини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш ни-

ҳоясига етказилди. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, чорвачилик, қаттиқ чинқиндиларни бошқариш ва бошқа соҳаларда 153,8 миллион евро миқдоридagi 10 та лойиҳа ва дастур ҳаётга татбиқ этилмоқда.

2021 — 2024 йилларга мўлжалланган молиявий ва техникавий қўмақ дастурлари доирасида Европа Иттиғоқи икки томонлама лойиҳаларни амалга ошириш учун 83 миллион евро, шу жумладан, мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва инсон ҳуқуқларини ривожлантиришини қўллаб-қувватлаш учун 7 миллион евро ажратилди. Европа Иттиғоқи Оролбўйи минтақаси учун инсон ҳавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондига 5,2 миллион евро миқдоридagi маблагни йўналтирди.

Барча даражадаги самарали мулоқотни ривожлантиришга дипломатия ваколатхоналари — 1995 йилдан буён фаолият юритаётган Ўзбекистоннинг Брюсселдаги элчихонаси ва 2011 йилдан буён Тошкентда фаолият юритаётган Европа Иттиғоқи делегацияси муҳим ҳисса қўшмоқда.

Европа Иттиғоқи Марказий Осиёнинг тинч, демократик ва иқтисодий фаровон бўлишидан манфаатдордир. 2005 йил июль ойида ЕИнинг Марказий Осиё бўйича махсус вакили лавозимни тасвис этилди, бу эса ЕИ томонидан минтақанинг ўсиб бораётган салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолатдор. 2019 йилда қабул қилинган ЕИнинг минтақа билан ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича янги стратегия ушбу мақсадларга эришишда минтақа давлатлари билан фаол ҳамкорлик қилиш, шунингдек, ўз мамлакатларидagi тинчлик ва фаровонлиқни таъминлашга ҳисса қўлишига қаратилган. Ҳужжат Марказий Осиё мамлакатлари муस्ताқиллик йилларида эришган муваффақиятларга асосланади.

Ўзбекистон «Европа Иттиғоқи — Марказий Осиё» («ЕИ — МО») минтақаларо ҳамкорлик форматига фаол иштирок этиб келмоқда. Шунингдек, форматдаги Ташқи ишлар вазирликлари раҳбарлари учрашувларига мунтазам меъзоблик қилмоқда. 2013 йилдан бери ҳар йили «ЕИ — МО» сиёсат ва хавфсизлик бўйича юқори даражадаги мулоқоти ҳам ўтказиб келинмоқда.

Парламентаризм соҳасидаги ҳамкорлик жадал ривожланяпти. Бу йўналишдаги

ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш мақсатида 1999 йил «Ўзбекистон — Европа Иттиғоқи» парламент ҳамкорлиги кўмитаси ташкил этилди ва у Олий Мажлис ҳамда Европарламент ҳамкорлигининг, хусусан, Ўзбекистон — Европа муносабатларини фаоллаштиришнинг ҳам муҳим меҳанизми ҳисобланади.

«Ўзбекистон — Европа Иттиғоқи» парламент ҳамкорлиги кўмитаси мамлакатимизнинг турли даражадаги ташаббусларини Европа парламенти ва Европа Иттиғоқида илгари суришда қўмақ кўрсатади. Кўмита воситасида Европа парламенти депутатлари Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлардан хабардор бўлмоқда. Шунингдек, кўмита Ўзбекистон парламенти ва Европарламент томонидан ташкил этиладиган турли халқаро тадбирларнинг ўтказилишида қўмақлашиб келмоқда.

2021 йил апрель ойида Европарламентда «Европа Иттиғоқи — Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи ташкил этилди. Гуруҳ икки томонлама парламентларо алоқаларни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшаётди. Ўзаро муносабатлар тарихида Европарламент илк марта 2021 йил октябрь ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти сайловига ўз кўзатувчиларини юборди.

Ўзбекистон — Европа Иттиғоқи қўшма органлари — Ҳамкорлик кенгаши, Ҳамкорлик кўмитаси, Савдо ва инвестициялар бўйича кичик кўмита, Адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва тегишли масалалар бўйича кичик кўмита, Тараққиёт бўйича ҳамкорлик кичик кўмитаси муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси 15 та ҳужжатдан иборат. Уларни Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим (1999 йил), Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим (2004 йил), Энергетика соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Англашув меморандуми (2011), Тўқимачилик махсулотларининг икки томонлама савдоси тўғрисидаги битим (2017) ва бошқалар ташкил қилди.

Маданий-гуманитар йўналишдаги ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

25 йил давомида ЕИ билан биргаликда Ўзбекистоннинг 55 та олий таълим

муассасаси ва Европа Иттиғоқиға аъзо давлатларнинг 71 та университети иштирокида «Темпус» таълим дастурининг 30 миллион евродан зиёд миқдордаги 80 дан ортқ лойиҳаларни амалга оширилди.

2014 йилдан буён «Эразмус+» таълим дастури доирасида олий таълим салоҳиятини оширишга қаратилган бюджетли қарийб 40 миллион евро бўлган 40 дан ортқ лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Уларда Ўзбекистоннинг 70 га яқин университетлари, 20 дан ортқ тармок бошқарма ва ташкилотлари, шунингдек, 120 га яқин Европа университетлари қатнашди. Бундан ташқари, минтақавий ва икки томонлама ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида иқтисодий-иқтисодий ривожланиш, таълим, қонун устуворлиги, чегараларни бошқариш, гиёҳвандлик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, транспорт, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ ҳўжалиги каби соҳаларда қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2013 йилдан буён ЕИнинг Ўзбекистондаги делегацияси Киноматография агентлиги билан ҳамкорликда ҳар йили Тошкент шаҳрида Европа кинофестивалини ташкил этиб келмоқда. Сўнгги йиллар ушбу лойиҳа Ўзбекистондаги энг кўзга кўринган ва йирик маданий лойиҳалардан бирига айланди.

2016 йилдан бошлаб фестивал ўз жуғрофиясини кенгайтирди ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам ўтказила бошланди. Хусусан, фестивал 2017 йилда Новий ва Нукусда, 2018 йилда Шаҳрисабз ва Фарғонада, 2019 йилда Ургач, Нукус ва Жиззахда ташкил этилди.

Жорий йил ноябрь ойида Ўзбекистон Президентини ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида «Европа Иттиғоқи — Марказий Осиё» шаклидаги ўзаро боғлиқлик ва барқарор ривожланишни мустаҳкамлаш бўйича вазирлар конференцияси ўтказилиши режалаштирилган. Албатта, ушбу нуфузли анжуман, шунингдек, бўлажак «Европа Иттиғоқи — Марказий Осиё» саммити, Европа кенгаши раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи ҳамда «ЕИ — МО» вазирлар йиғилиши якунлари савдо, сармоя, транспорт, энергетика, рақамлаштириш ва бошқа иштирокчи соҳаларда ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган қўшма лойиҳаларни илгари суришга қўмақлашди.

Финляндия — Ўзбекистон:

ТАЪЛИМДАГИ АНИҚ ПОЗИЦИЯ ВА ЭЗГУ МАҚСАДЛАР



Бутун дунёда мамлакатларнинг табиий бойликларига қараб эмас, балки таълим ва тафаккур оламига қараб баҳо берилди...

Илк натижалар буй кўрсатмоқда

2016 йилдан ташқи алоқаларга эътибор боис Ўзбекистон — Финляндия ҳамкорлиги изчил ривожланмоқда...

Ўзбекистон 2016 йилдан бошлаб, ўзини дунёга оча олди. Юртингизда 2022 йилда икки марта бўлдим. Амалга оширилган ўзгаришлар мени ҳайратда қолдирди...

Назаримда, юқори даражадаги интилий учун нафақат қўшни мамлакатлар, балки дунёдаги бошқа давлатларнинг ҳам энг яхши сибёса ва амалиётларини жорий қилишга тайёр бўлиш — буни оддий жараён, деб бўлмайдими...

Финляндиянинг таълим тизими дунёдаги энг муваффақиятлиларидан бири ҳисобланади. Юртингизда Финляндия таълим соҳасидаги энг тенглик ва мукамалликка эришиш стратегияси ишлаб чиқилгани ва амалга оширилганини яқин йиллардаёқ ўз самарасини кўрсатиши, шубҳасиз...

Финляндия сўнгги 30 йил ичида айнан таълим соҳасига жуда катта эътибор қаратди. Бу эса мамлакат фаровонлиги ва иқтисодий тараққиётга сезиларли таъсир кўрсатганига бугун барча гувоҳ бўлиб турибди...

Финляндия олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда Тошкент давлат стоматология институтида қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилди. Самарқанд давлат университети тарбибиди Ўзбекистон — Финляндия педагогика институти ташкил этилди...

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси раҳбари бошчилигидаги делегация 2021 йилнинг 22 — 26 ноябрь кунлари Финляндиянинг таълимдаги таърибасини бевоқифа юртимизга бориб ўрганди...

Университетимиз вақиллари билан жорий йилнинг 9 — 13 май кунлари мамлакатингизга жавоб таъриблари амалга оширишга, алоқаларни янада кенгайтиришга муваффақ бўлди.

Икки томонлама манфаатли мақсадлар сари изчил қадимлар

Ўзбекистонга биринчи бор келганимда Республика таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ташқи шилар

вазирлиги билан олиб борилаётган ишлар, таълим ислохотлари ахтарилаётган техник кўмак билан яқиндан танишдим. Илк марта Фаргона ва Самарқандни кўриш бахтига муяссар бўлдим...

Ташрифдан асосий мақсад, олий таълим борасида мамлакатларимиз ҳамкорлигининг аниқ пайдагиди ҳолати ва келгусида уни кенгайтириш бўйича истиқболдаги режаларни муҳокама қилиш эди. Карелия ва Ўзбекистон — Финляндия педагогика институти ҳамкорлиги, юртингиз худудларига фин экспертларини жалб қилиш, университетимиз билан академик алмашув жараёнида ҳамкорлик лойиҳаларини кенгайтириш масалалари билан боғлиқ қатор натижаларга эришишди...

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган Самарқанд давлат университети ва Ўзбекистон — Финляндия педагогика институти истиқболли лойиҳаларидир. Профессор-ўқитувчилар ва докторантлар алмашувини йўлга қўйиш, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориш юзасидан келишувларга эришишди.

Кузатишимиз давомида Ўзбекистондаги таълим тизими мамлакат иқтисодиётининг жадал ривожланишида ҳам алоҳида ўрин тутаётганига амин бўлдим. Тизимда сифат кўрсаткичларини кенгайтириш бўйича халқаро таърибларини ўрганиш баробарида, ёшларнинг малакали кадрлар бўлиб етишиши учун қатор ибратли ишлар амалга оширилишига гувоҳман. Мамлакатингизнинг таълим тизимини ислоҳ қилиш ва келажак авлодини тарбиялашда иштиёқи мени ҳайратга солди.

Биз Ўзбекистон соҳа масъуллари олий таълимда амалий таълим йўналишини таъминлаштириш ва таълим кластерларини жорий этиш, узулқис таълим тизимидаги илгор таърибларини юртингизга олиб кириш, Ўзбекистонда юқори малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хисса қўйишга тайёрлигимизни маълум қилдик. Ўзбекистонга илг таъриб довомидаги энг катта ютуғимиз — Нордик давлатлар олий таълим тизимига асос-

ланган халқаро даражадаги хусусий университетни айнан Ўзбекистонда очиб бўйича турли масъул ташкилотлар билан музокаралар олиб бордик.

2022 йилнинг 21 апрель куни Финляндиянинг Ўзбекистондаги Фавкулдада ва мухтор элчиси Илкка Райяснен ва Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси раҳбарлари ҳамкорлик доирасида учрашув ўтказди. Мазкур учрашувда ҳам олий таълим тизимига ўзаро алоқаларни янада кучайтириш мақсадида қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш, бунинг учун халқаро хусусий университет ташкил этиш, унинг базасида академик, илмий-инновацион, стартап соҳаларни ривожлантиришга амалий жиҳатдан ёрдам беришга ҳар икки томон тайёр экани таъкидланди.

Шунингдек, 2022 йилнинг 27 май куни Тошкент шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон — Финляндия ташқи ишлар вазирлигининг себсий масахатлар бўйича 10-йилгилишида Шимолий Европа мамлакатларининг таълим соҳасидаги илгор ютуқлари асосланган замонавий хусусий олий таълим ташкилоти — "Nordic International University" истиқболлига бағишланган таъдирот уюштирилди.

Шу йилнинг 8 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистонда Финляндия таълим тизимини ўрганиш ва жорий этиш, етук кадрлар тайёрлашга хизмат қилувчи Халқаро Нордик университети очилди. Ушбу олий таълим муассасасининг тантанали очилиш маросимида шахсан иштирок этганимиз бахтиёрман.

Халқаро Нордик университети Финляндиянинг амалий таълим йўналиши бўйича таърибларини кўллашда яққол мисол бўла олади. Ушбу университет фаолияти мисолида кўллаб педагогик ечимлар мавжуд. Қисқа фурсат ичида талабалар учун барча шарт-шароит яратиб берилди. Шундан таъриблари амалга ошириш учун, биринчи навбатда, маҳаллий ва Финляндиянинг етакчи бизнес компаниялари билан алоқаларни йўлга қўйиди ва ҳамкорлик қўлини кенгайтирди.

Халқаро Нордик университети раҳбарияти билан дастурлар ишлаб чиқиб, мақсадлар белгилаб, амалга ошириб бормоқдамиз. Университетнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари худаям иж-

тимой фаол. Икки йўналиш бўйича аниқ мақсадларни белгилаб олдик. Булар — таълим ва сув йўналиши. Таълим йўналишида халқаро бизнес, менежмент ва ИТ бўйича билим берилди. Саноатни бошқариш ва халқаро бизнес йўналиши бўйича ўқув режалар дастурлари биргаликда тузилди. Бундан ташқари, сифатни назорат қилиш ишларига ҳам кўмаклашамиз.

Университет нафақат Ўзбекистон учун, балки Ўрта Осиё, Европа, Финляндия учун ҳам манфаатлидир. Бу янги платформа юқори малакали ўқитувчилар томонидан инновацион ўқитиш усулларида амалга оширилади. Инсон капиталига эҳтиёж сезган кўллаб компаниялар ҳам бундан қўллаб-қувватланади.

Таълим жамият, давлат ва инсон ресурси ривожланишининг пойдевори ҳисобланади. Ўзбекистонлик ўқитувчилар келгусида илмий тадқиқот йўналишлари доирасида мамлакатимизда ўз малакасини ошириб боради. Ортирилган таъриб ва кўнималар ҳамда салоҳиятларини амалда қўллаш имконияти яратилади.

Таълимдан қимматроқ ва қадрлироқ тизим йўқ!

Таълимнинг ривожланиши, албатта, қиммат туради. Лекин ҳеч нарса таълимдан қимматроқ ва қадрлироқ бўлмаганини келтириб қўйиш керак! Таълим жамиятга яратди ва унинг раванқ топиши учун мустахкам пойдевор ҳисобланади. Шунинг учун самарали таълимга ҳар қанча бўлса инвестиция киритишлиши зарур. Шундан сармога тўғри йўналиштирилган бўлади.

Шу маънода, Халқаро Нордик университети билан тузилган стратегик алоқаларимиз узок йилларга мўлжалланганлиги билан аҳамиятли. "Nokia", "ISKU", "Finnish Water forum", "Helsingin Suomalainen Yhteiskoulu" (SYK) каби 30 дан зиёд машҳур фин брендлари мазкур лойиҳани ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга тайёр.

Келгусида Карелия амалий таълим университети ва Халқаро Нордик университети ўртасида "double degree" дастури асосида ўзбек талабаларига Финляндияда сифатли таълим олишлари ва бу борада профессионал бўлишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилди. Асосийси, Ўзбекистон ёшларининг илм олишига катта иштиёқи бор ва салоҳияти алоҳида эътирофга лойиқ,

Таъкидлаш жоизки, фин таълим тизимининг муҳим элементи — устозлардир! Профессонал устозларимиз бу олийгоҳнинг муваффақиятини таъминлаб бериши, шубҳасиз. Шунингдек, давлатингиз томонидан билдирилган ишонч бизга қанот бағишламоқда.

Халқаро Нордик университети базасида Финляндия — Ўзбекистон ўртасида вебинарлар ўтказиш, бизнес форумлари ташкиллаштириш орқали таъриб алмашишни йўлга қўйдик. Университет ва бизнес соҳаси ўртасида қатор тўғридан-тўғри ҳамкорлик йўлга қўйилди. Амалий таълим методологияси қўллаётгани учун нафақат Финляндиядаги, боиси Норвегия, Швеция ва Даниядаги амалий таълим университети билан ҳам ҳамкорлик қилиш кўзда тутилмоқда.

Кўгилгаётган натижалар республикада таълим йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ҳамда таълим сифатини яхшилаш, шунингдек, замонавий кадрларни тайёрлаш, соҳага доир илгор хорижий таърибкорларни жорий этиш, ёшларнинг амалий таълим бўйича билим ва кўнималарини шакллантириш, олий таълим — илм-фан — ишлаб чиқариш билан узвий интеграциясини жадаллаштиришга хизмат қилади. Малакали профессор-ўқитувчиларимиз, олий ва мутахассисларимиз кўмагида таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, илм-фан ва техникани янги ютуқлари жорий этишда, инновацион технологияларни қўллаш асосида рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига ҳам хисса қўйиладими.

Шунингдек, иқтидорли талабалар селекцияси амалга оширилади, янги авлод мутахассисларини яратиш, уларга ёрдам бериш мақсадида бугун дунёда стартаплари, инвесторлари ва таърибкорларини бир ерга ҳам қилганидан "Slush" (Финляндиянинг Хельсинки шаҳрида ҳар йили ўтказилиб борилади) таърибда талаба-ёшларнинг ўз инновацион ва стартап гоғларини билан иштирок этишлари таъминланади.

Сўзимнинг якунида таълимнинг энг замонавий таърибасига таяниб, ўз таълим тизимини барпо этиш йўлини танлаган университет раҳбарияти ва жамоасига зафарлар тилайман.



ФИН ЎҚУВ МОДЕЛИНИНГ СИРИ ВА ЭРИШАЁТГАН ЮТУФИ НЕГА ДУНЁНИ ХАЙРАТДА ҚОЛДИРМОҚДА?

Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш масаласи давлат сиёсатидаги устувор йўналишлардан бирига айланган аниқ даврда Финляндиядек илгор давлат билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда муваффақиятларини ўрганиш келгусида ўқувчиларнинг фақатгина ёлғаси эмас, балки фикрлашга ҳорилайдиган методикани яратишда ҳар жиҳатдан қўл келади. Ҳўш, таълим бўйича илгор давлатлар таърибаси хусусида сўз борганда, Финляндия таълим тизими алоҳида урғу берилишининг сабаблари нимада?

Финляндиянинг таълим тўғрисидаги қонунлари (1998 йилда қабул қилинган) учта асосий мақсад белгилаб берилган, яъни ўқувчиларга ҳаётда зарур бўлган билим ва кўнималарни бериш, жамиятда ривожланиш ва тенгликни тарғиб қилиш ҳамда бутун мамлакат бўйлаб таълим соҳасида тенгликни таъминлаш.

Бутун дунёда машҳур ва ижтимоий жиҳатдан барча қатлам вакиллари учун тенг бўлган фин таълим модели кўйилганларга асосланган:

биринчидан, мактабга таълим тизимининг ривожланганлиги. Барча бошланғич мактабларга борадиган болалар бочча ва мактабга қанда таълим ташкилотларида тайёрланган бўлиб, келишадди. Мактабга таълимни тутатган болалар 7 ёшда мактабларга қабул қилинади;

иккинчидан, барча мактабларда таълим сифатининг бир хил юқори даражада эканлиги. Иқтисодиётнинг (OECD) маълумотларига кўра, фин мактаблари жажон таълим тизими рейтингларида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ушбу скандинав мамлакатининг мактаб ўқувчилари энг юқори билим даражасини намойиш этишадди.

Маълумки, PISA дастури доирасида ҳар уч йилда тақорланувчи цикиларда ўқувчиларнинг математик, табиий фанлар ва ўқиш фанлари саводхонлиги баҳоланганда фин ўқувчилари табиий фанлар йўналишида иккинчи ўрин ва математика бўйича бешинчи ўринни банд қилишган. Қизиги шундаки, журналистларнинг фин мактабларига ҳайратини оширган сабаблардан бири — у ерлик ўқувчилар шундай юқори натижаларни кўрсатишига қарамай, мактабда рекорд даражада кам вақт ўтказишадди. Кунига энг кўпи билан ярим соат дарс қилишадди. Шундан бўлса-да, фин таълим модели дунёдаги энг муваффақиятли тизим сифатида эътироф этилмоқда.

Асосий мақсад — ўқувчини ҳаётга тайёрлаш

Қўриниб турибдики, Финляндияда таълим "қучайтирилган" ёки

лалар 16 ёшга тўлгунга қадар жонажон мактабларида тахсил олишадди. 10-синф қўшимча ҳисобланади. Мактаб ўқувчилари бу босқичда ўз баҳоларини яхшилаш ва ўзларига касб танлаш борасида бир қарорга келиш имконига эга бўлишадди. Мактабни тутатганда кейин ўсмирлар профессионал коллежга ўқишга кириш ёки лицейда ўқишни давом эттириш шарофтини қўлга киритади.

Финлардан энг яхши мактаб қайси деб сўрасангиз, барчалари бир овоздан уйга яқин мактаб, деб жавоб қайтаришади. Бу ерда "элиталар" мактаблар йўқ. Барча мактаблар ягона таълим стандарти бўйича дарс машғулотларини олиб боришни мамлакат бўйлаб таълим сифати бир хил эканлигидан далолат беради.

Ўқитувчилар томонидан уйга вазифа даярили берилмайдими. Педагоглар фақат ўқувчини ўз фанига қизиқтириш талаб қилинади. Лекин болада ўқишга қизиқиш бўлмаса "2" баҳолар билан қўрқитишмайди, аксинча, амалий жиҳатдан фойдаланиш осонроқ касбга йўналтиришади.



Шерзод МУСТАФОКУЛОВ, Халқаро Нордик университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Шунингдек, мактабларда ички дискриминацияга йўл қўйилмайди. Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал таълим ва ривожланиш режаси тузилади. Инклюзив таълимнинг ўрни ва унинг аҳамияти йилдан-йилга ошиб бориш тенденциясига эга. Таълим жараёнида икки ноёб йўналиш мавжуд: бу "заиф" ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш ва муайян тил, математик кўнималарини тушунишларида кўмаклашиш, шунингдек, баъзи болаларнинг асоциал хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ кийинчиларга дуч келган ўқувчилар таълим жараёнига тузатишлар киритишди. Тузатиш таълимни кичик гуруҳларда ёки индивидуал равишда ўтказилади.

Қайсидир фанни чуқурлаштириб ўтиш эвазига бошқа фанларга бўлган эътибор ва аҳамиятнинг паслаб кетишига йўл қўйилмайди. Гуруҳларда алоҳида иқтидорларини ажратиб олиш, уларга ўзгача усулда дарс машғулотларини ташкил этиш ва фокус қаратиш ҳам таққиланган. Шу жиҳатдан фин таълим тизими дунёда энг ижтимоий йўналтирилган ва инсонпарвар эканлиги билан ажралиб туради. Барча мактаб академик-усулвий, моддий-техник жиҳатдан тенг имконият ва шароитларга эга.

Энг муҳими, мазкур ҳолат барча мактаб ўқувчилари, педагог-ўқитувчилар ва ота-оналарга бир хилда мақбул келиши билан характерланади.

Финляндияда, шунингдек, жуда яхши ривожланган олий таълим тизими мавжуд. Ҳукуматнинг фаолияти замонавий ахборот жамиятини яратишга қаратилган, шунинг учун бу ердаги ўқув муассасаларида таълим энг юқори жаҳон таълим стандартларига жавоб беради. Олий ўқув юртларида фаол халқаро алоқалар ўрнатилган, яхши таълим шароитлари яратилган. Хорижий талабалар учун дарслар инглиз тилида олиб борилади. Бакалавр босқичида ўқиш муддати 3-4 йил. Бу вақтда мутахассислик бўйича асосий ва факультатив фанлар ўрганилади. Финляндияда олинган диплом дунёнинг исталган давлатида меҳнат фаолиятини олиб бориш имконини беради. Магистрлик даражасини эгаллаш дастури 2 йилга мўлжалланган бўлиб, таълим давомида танланган мутахассислик бўйича фанлар чуқур ўргатилади. Ўқишни давом эттирилганларга PhD даражаси берилиши мумкин.

Ҳамкорлиқнинг самаралари

Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишга, жумладан, олий таълимда камров ва сифатни оширишга, олий ўқув юртларида академик мустақиллик берилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиздаги жадал ислотлар республика иқтисодиётига реал сектор корхоналари, ижтимоий ва молия ташкилотларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали олий маълумотли кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини яхшилаш, соҳага доир илгор хорижий таърибкорларни жорий этиш ва таълим жараёнининг ишлаб чиқариши билан интеграциясини жадаллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича берган топшириқлари натижаси, яъни сўнгги икки йилдан бери Финляндия билан Ўзбекистон ўртасида таълим соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш учун қилинаётган ҳаракатлар натижаси ўлароқ, 2022 йил-

нинг 27 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон — Финляндия ташқи ишлар вазирлигининг себсий масахатлар бўйича 10-йилгилишида Шимолий Европа мамлакатларининг таълим соҳасидаги илгор ютуқлари асосланган замонавий хусусий олий ўқув юрти — Халқаро Нордик университетини ташкил этиш бўйича келишувларга эришилган эди.

Мазкур университетнинг иш бошлаши, бир томондан, Финляндиянинг Ўзбекистонда олиб борилаётган ҳар томонлама кучли ислохотларни эътироф этиши бўлса, иккинчи томондан, барча Шимолий Европа давлатлари: Финляндия, Швеция, Норвегия, Дания, Исландия ва бошқа мамлакатларнинг Ўзбекистонда ва Марказий Осиёда инсон капиталини ривожлантириш ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ишлаб чиққан Барқарор ривожланиш мақсадларига (SDG) эришиш ва халқаро лойиҳаларда муносиб қатнашишига имкон беради.

Шунингдек, янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига белгилаган олий таълим соҳасида нодавлат секторининг улушини ошириш асосида соҳада соғлом рақобатнинг шаклланишига хизмат қилади.

Халқаро Нордик университети таълим тизимини республикада таълим йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, таълим сифатини яхшилаш, замонавий кадрларни тайёрлаш, соҳага доир илгор хорижий таърибкорларни жорий этиш, ёшларнинг амалий таълим бўйича билим ва кўнималарини шакллантириш, олий таълим — илм-фан — ишлаб чиқариш интеграциясини жадаллаштиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Шимолий Европа мамлакатларининг нуфузли хорижий олий таълим муассасаларида йўлга қўйилган илгор таъриблар, инновацион таълим моделлари, ўқув режа ва дастурлари асосида иқтисодиётнинг реал сектор эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим тизимини жадаллаштириш ва кўнималарини ривожлантиришга хизмат қилади. Форумдан мақсад мазкур компаниялар билан маҳаллий бизнес вақилларининг "B2B", "B2G" учрашувларини ташкил этиш, ўзаро ҳамкорлик шартномаларини имзолаш ва келажакда истиқболли лойиҳалар бўйича ҳамкорлик қилишдан иборат.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизда таълим тизими бундай катта эътибор қаратилганга беҳиж эмас. Zero, таълим — бу келажакда кўприк ва бошланғич ўрта мактаб ушбу кўприкни кўтариб турувчи устундир.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуриндаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 13 882 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда. Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-қўндаги телефоннинг орқали сканер қилинг.